Биография

Гулчехра Рихсиева



Гулчеҳра Шавкатовна Рихсиева 1971 йилда Тошкент вилояти Зангиота туманида хизматчи оиласида туғилди. 1988 йилда мактабни олтин медаль билан тамомлаб, ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) нинг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирди. 1993 йилда университетни имтиёзли диплом билан битириб, Зангиота туманидаги ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. 1996 йил Г.Рихсиева Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институтининг “Туркий тиллар” кафедрасига катта ўқитувчи лавозимига ишга таклиф қилинди. Шу йили ЎзМУнинг аспирантурасига ўқишга кирди. 1999 йилнинг сентябрь ойида аспирантурани муддатидан олдин якунлаб, филология фанлари доктори, профессор М.Миртожиев раҳбарлигида “Шеъриятдаги гапларнинг актуал бўлинишида анафоралар ўрни” мавзусидаги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 2000 йил Тошкент давлат шарқшунослик институтининг “Ўзбек тили” кафедрасига катта ўқитувчи лавозимига ишга ўтди. 2006 йилда доцент илмий унвонини олди. Шундан сўнг иқтидорли олима “Ўзбек тилида феъл шакллари лингвопоэтикаси” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ҳозирги кунда Г.Рихсиева Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори лавозимида фаолият юритади.

Асарлари:

1998 Она тили ва адабиётдан тестлар тўплами. Т., “Кўҳинур”
Эганинг анафора тарзида фойдаланиши.ТошДУ хабарлари,№ 1

1999 Анафора сифатидаги бўлак – ҳолнинг ифодаланиши. Т.,

2002 Янги педагогик технологиялар – интерактив усулларни қўллаш бўйича тавсиялар. услубий қўлланма. ТошДШИ

2003 Матн устида ишлаш технологияси. 2 - Республика анжумани маърузалари тезислари, ТошДШИ

2006 Бобур шеъриятининг лингвистик тадқиқотига янгича ёндашув. “Шарқшунослик” журнали. № 2

Copyright © 2022
All Rights Reserved.